

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири**

_____ **Ш.Ж.Тешаев**
(имзо, муҳр)

2016 йил март

**«КЕЛИШИЛДИ»
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири**

_____ **М.М.Икрамов**
(имзо, муҳр)

2016 йил март

**«КЕЛИШИЛДИ»
Ўзбекистон Республикаси Ахборот
технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

_____ **Х.М.Мирзохидов**
(имзо, муҳр)

2016 йил март

**«КЕЛИШИЛДИ»
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
раиси**

_____ **А.Э.Шайхов**
(имзо, муҳр)

2016 йил март

**Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари
фақатгина ягона марказлар орқали кўрсатиладиган
ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ПАСПОРТИ**

1.	Давлат хизматининг номи	Сунъий сув объектларидан сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун бериладиган рухсатнома
2.	Давлат хизматини кўрсатишга масъул бўлган давлат органи ёки бошқа ташкилот (кейинги ўринларда ваколатли орган деб юритилади) номи	<p>Тўлиқ номи:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги; 2) Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари; 3) Ирригация тизими бошқармалари; 4) Сув истеъмолчилари уюшмалари. <p>Қисқартирилган номи:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) Ўзбекистон Республикаси ҚСХВ; 2) ИТХБлар; 3) ИТБлар; 4) СИУлар. <p>Изоҳ: Сунъий сув объектларидан сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома қуйидаги тартибда берилади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) Ўзбекистон Республикаси ҚСХВ – сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчиси саналган тадбиркорлик субъектларига вилоятлараро ва трансчегаравий сув объектларидан; 2) ИТХБ – сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчиси саналган тадбиркорлик субъектларига вилоят ва туманлараро сув объектларидан; 3) ИТБ – сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчиси саналган тадбиркорлик субъектларига туманлар миқёсидаги сув объектларидан; 4) Сув истеъмолчилари уюшмалари – ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудудда жойлашган фермер ва деҳқон хўжаликлари, бошқа тадбиркорлик субъектларига – сув объектларидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими билан келишган тарзда қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун.
3.	Давлат хизматини оловчилар (фойдаланувчилар)	<input checked="" type="checkbox"/> юридик шахслар - тадбиркорлик субъектлари; <input checked="" type="checkbox"/> жисмоний шахслар - юридик шахс мақомини олмасдан фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари.

4.	<p>Давлат хизматини кўрсатиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишда қатнашадиган, шунингдек давлат хизматини кўрсатиш учун зарур бўладиган ҳужжат ва маълумотларга эга бўлган давлат органлари ва ташкилотларнинг рўйхати</p>	<p>Давлат хизматини кўрсатиш жараёнида қуйидаги давлат органлари ва ташкилотлар иштирок этадилар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар ДСЭНМлари; 2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг кўмир, тоғ-кон ва норуда саноати назорати, геология-маркшейдерлик назорати бўйича тармоқ инспекцияси; 3) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Курортлар бошқармаси; 4) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоят адлия бошқармалари; 5) Туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатувчи ягона марказлар. <p><i>Эслатма: Ваколатли орган қайд этилган орган ва ташкилотлар билан мустақил равишда, аризачини жалб этмаган ҳолда ҳамкорлик қилади.</i></p>
5.	<p>Давлат хизматини олиш учун аризачи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва сони</p>	<p>Давлат хизмати олиш учун аризачи қуйидагиларни тақдим этади:</p> <p>а) янги рухсатномани олишда, рухсатноманинг амал қилиш муддати ўтганда, сув олиш манбалари ва мақсадлар ўзгарганда, шунингдек сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг бошқа шартлари ўзгарганда:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) сунъий сув объектлари сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома олиш тўғрисидаги ариза мазкур паспортга 1-иловада келтирилган шаклда; <ul style="list-style-type: none"> <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 1 (бир нусха). 2) сунъий сув объектлари сувидан махсус фойдаланиш ёки сувини махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома лойиҳаси мазкур паспортга 2-иловада келтирилган шаклда – <i>сув объектларидан саноат, коммунал, транспорт ва бошқа ноқилиш хўжалик мақсадларида, шунингдек шифобахш сувлар тоифасига кирувчи сувлардан: а) бошқа сув манбалари бўлмаган ҳолларда ичимлик сув таъминоти учун; б) ноёб компонентларни ажратиб олиш учун фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахслар томонидан тақдим этилади.</i> <ul style="list-style-type: none"> <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 3 (уч нусхада); 3) сунъий сув объектлари сувидан қишлоқ хўжалик мақсадлари учун махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома лойиҳаси мазкур паспортга 3-иловада келтирилган шаклда – <i>фермер ва деҳқон хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа сув истеъмолчилари томонидан тақдим этилади;</i> <ul style="list-style-type: none"> <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 3 (уч нусхада); 4) хўжалик фаолияти (ишлаб чиқариш мақсади, қуввати, технологик цикл ва бошқалар), сув муҳофазаси ҳолати, оқава сувларни чиқариб ташланиши, оқава сув тозалаш иншоотларининг таркиби ва ишлаши, оқава сувларни қабул қилгичнинг тавсифлари, ишлаётган ходимларнинг сони, йилдаги иш кунларининг сони, аҳоли пунктидаги аҳолининг сони (аҳоли пункти сув билан таъминланганда), суғориладиган ерлар майдонлари, қишлоқ хўжалик экинларининг турлари ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар мазкур паспортга 4-иловада келтирилган шаклда; <ul style="list-style-type: none"> <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 1 (бир нусха). 5) лойиҳа-смета ҳужжати асосий қоидаларининг сунъий сув объекти сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга тааллуқли қисмининг кўчирмаси мазкур паспортга 5-иловада келтирилган шаклда; <ul style="list-style-type: none"> <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 1 (бир нусха). 6) сунъий сув объекти сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишнинг мақсади тўғрисидаги тўлиқ маълумот мазкур паспортга 6-иловада келтирилган шаклда; <ul style="list-style-type: none"> <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 1 (бир нусха). 7) сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчиси фаолият юритадиган ҳудуд, сув объектлари, шу жумладан сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли манбалари (сув олиш ва оқава сувларни ташлаш нуқталарининг

жойлашган ўринлари) кўрсатилган картографик материаллар мазкур паспортга 7- иловада келтирилган шаклда - сув объектларидан саноат, коммунал, транспорт ва бошқа ноқилиш хўжалик мақсадарида фойдаланувчи юридик шахслар томонидан тақдим этилади;

асл нусха: 1 (бир нусха).

8) сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчиси фаолият юритадиган ҳудуд, сув объектлари, шу жумладан сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли манбалари (сув олиш ва оқава сувларни ташлаш нукталарининг жойлашган ўринлари) кўрсатилган ситуация плани мазкур паспортга 8- иловада келтирилган шаклда - сув объектларидан саноат, коммунал, транспорт ва бошқа ноқилиш хўжалик мақсадарида фойдаланувчи жисмоний шахслар томонидан тақдим этилади;

асл нусха: 1 (бир нусха).

9) фойдаланилаётган сув объектларининг, сув олиш иншоотларининг қуввати ва техник жиҳозланганлиги (насос агрегатлари ва ёрдамчи иншоотлар, суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқлари, ичимлик ва техник мақсадларга мўлжалланган қудуқлар ва улардаги иншоотлар) ва сувни тайёрлаш ва тозалаш станциялари (ичимлик, техник, канализацияга оид), рўйхатга олинган сув бериш нукталари ва бошқалар кўрсатилган ҳолдаги рўйхати мазкур паспортга 9- иловада келтирилган шаклда;

асл нусха: 1 (бир нусха).

10) сув бериш нукталари рўйхати ҳамда уларни сувни бошқариш ва ҳисобини юритиш воситалари билан жиҳозланганлиги тўғрисидаги маълумот мазкур паспортга 10- иловада келтирилган шаклда;

асл нусха: 1 (бир нусха).

11) сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли, оқава сувларни оқизиб юборишнинг манбалар (ер усти, ер ости, шаҳар сув қувурлари, шаҳар канализацияси, жойнинг рельефи ва бошқалар) бўйича лойиҳавий ёки меъёрий ҳисобланган режаси мазкур паспортга 11- иловада келтирилган шаклда;

асл нусха: 1 (бир нусха).

12) сув манбаси (объекти) ёки оқава сувлар ташланадиган сув объекти сув ресурсларининг миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотлар мазкур паспортга 12- иловада келтирилган шаклда;

асл нусха: 1 (бир нусха).

13) тозалаш иншоотларининг иши устидан лаборатория назорати ва оқава сувлар таркибида ташланадиган ифлослантирувчи моддаларни ҳисобга олишни ташкил этилганлиги тўғрисида маълумот мазкур паспортга 13- иловада келтирилган шаклда;

асл нусха: 1 (бир нусха).

14) ерлар кадастри тўғрисидаги маълумотлар мазкур паспортга 14- иловада келтирилган шаклда;

асл нусха: 1 (бир нусха).

15) сув муҳофазаси зоналари ва қирғоқбўйи ҳимоя минтақалари, шунингдек санитария муҳофазаси зоналари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш қоидалари бўйича аниқ тадбирлар рўйхати мазкур паспортга 15- иловада келтирилган шаклда;

асл нусха: 1 (бир нусха).

16) балиқларни муҳофаза қилиш иншоотларининг мавжудлиги ва уларнинг конструкциялари тўғрисидаги маълумотлар (балиқчилик фаолияти юритиладиган сув ҳавзаларида) мазкур паспортга 16-иловада келтирилган шаклда;

асл нусха: 1 (бир нусха).

17) сув ресурслари муҳофазаси ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича белгиланган тадбирлар тўғрисидаги маълумот мазкур паспортга 17- иловада келтирилган шаклда;

асл нусха: 1 (бир нусха).

18) сув таъминоти ҳамда оқава ва ёмғир сувлари канализацияларининг схемалари мазкур паспортга 18- иловада келтирилган шаклда;

асл нусха: 1 (бир нусха).

19) давлат экологик экспертизаси органининг экологик оқибатлар тўғрисидаги баёот (ЭОБ) лойиҳасига берган хулосаси мазкур паспортга

		<p>19- иловада келтирилган шаклда; <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 1 (бир нусха).</p> <p>20) Оқава сувларни сув объектларига ёки жой рельефига чиқариб ташланиши мавжуд бўлганда ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий ташламаларининг (ЙҚЧТ) экологик меъёрлари лойиҳасига Давлат экологик экспертизаси органларининг хулосаси мазкур паспортга 20- иловада келтирилган шаклда; <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 1 (бир нусха).</p> <p>б) рухсатнома қайта расмийлаштирилганда:</p> <p>1) сунъий сув объекти сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза мазкур паспортга 21- иловада келтирилган шаклда; <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 1 (бир нусха).</p> <p>2) сунъий сув объекти сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома мазкур паспортга 2, 3-иловаларда келтирилган шакллларда – <i>аввал берилган рухсатнома</i>; <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 1 (бир нусха).</p> <p>в) рухсатноманинг амал қилиш муддати узайтирилганда:</p> <p>1) сунъий сув объекти сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза мазкур паспортга 22- иловада келтирилган шаклда; <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 1 (бир нусха).</p> <p>2) сунъий сув объекти сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома мазкур паспортга 2, 3- иловаларда келтирилган шакллларда; <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 1 (бир нусха).</p> <p>3) сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг манбаси, мақсади ҳамда сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг бошқа шартларида ўзгаришлар бўлмаганлигини тасдиқловчи қўшимча маълумотлар мазкур паспортга 23- иловада келтирилган шаклда; <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 1 (бир нусха).</p>
6.	<p>Давлат хизматини кўрсатиш учун ваколатли орган томонидан аризачининг иштирокисиз мустақил равишда бошқа ташклотлардан олинадиган хужжат ва маълумотларнинг тўлиқ рўйхати ва сони</p>	<p>Давлат хизматини кўрсатиш учун ваколатли орган қуйидагиларни мустақил равишда олади:</p> <p>а) янги рухсатномани олишда, рухсатноманинг амал қилиш муддати тугаганда, сув олиш манбаи ва мақсадлари, шунингдек сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг бошқа шартлари ўзгарганда:</p> <p>1) юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси мазкур паспортга 24- иловада келтирилган шаклда – <i>тадбиркорлик субъекти – юридик шахс учун</i>; <input checked="" type="checkbox"/> нусха: 1 (бир нусха).</p> <p>2) якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси мазкур паспортга 25, 26 27-иловаларда келтирилган шакллларда– <i>тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс учун</i>; <input checked="" type="checkbox"/> нусха: 1 (бир нусха).</p> <p>3) сунъий сув объектлари сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома лойиҳасини келишилганлигини тасдиқловчи “Келишилди” деган ёзув ва тегишли давлат санитария назорати органининг номи, раҳбарининг Ф.И.Ш. ва имзоси, муҳри ва имзолаган санаси кўринишидаги қайдлар – <i>сув манбаидан қаътий назар сув ичимлик, маиший-рўзгор, курорт, рекреация, балиқчилик ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун олинганда, шунингдек оқава сувлар сув объектлари ва жой рельефига чиқариб ташланган барча ҳолларда</i>; <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 3 (уч нусхада);</p> <p>4) сунъий сув объектлари сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома лойиҳасини келишилганлигини тасдиқловчи “Келишилди” деган ёзув ва тегишли равишда: 1) ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш; 2) давлат санитария назорати; 3) курортларни бошқариш органларининг номлари ҳамда мос равишда улар раҳбарларининг Ф.И.Ш. ва имзолари, муҳрлари ва имзолаган</p>

саналари кўринишидаги қайдлар – шифобахи сувлар сирасига киритилган сув объектлари сувларидан фойдаланиладиган ҳолларда;

асл нусха: 3 (уч нусхада);

5) сунъий сув объектлари сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома лойиҳасини келишилганлигини тасдиқловчи “Келишилди” деган ёзув ва тегишли равишда: 1) ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш; 2) давлат санитария назорати; 3) курортларни бошқариш органларининг номлари ҳамда мос равишда улар раҳбарларининг Ф.И.Ш. ва имзолари, муҳрлари ва имзолаган саналари кўринишидаги қайдлар – алоҳида ҳолларда баъзи сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг ўзига хослигини инобатга олган тарзда;

асл нусха: 3 (уч нусхада)

6) сунъий сув объекти сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома лойиҳасини келишишда асосли рад жавоблари мазкур паспортга 28, 29, 30-иловаларга келтирилган шаклларда - мос равишда 1) ер қаърини геологик ўрганиши, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш; 2) давлат санитария назорати; 3) курортларни бошқариш органлари жавоблари асосида.

асл нусха: 1 (бир нусха).

б) рухсатнома қайта расмийлаштирилганда:

7) юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномаги мазкур паспортга 24-иловада келтирилган шаклда – тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар учун у қайта ташиқил этилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, сув олиш манбаси ва мақсадлари, шунингдек сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг бошқа шартлари ўзгармаган тақдирда;

нусха: 1 (бир нусха).

8) яқка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома мазкур паспортга 25, 26 27-иловаларда келтирилган шаклларда – тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс учун унинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда, сув манбаи ва мақсади, шунингдек сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг бошқа шартлари ўзгармаганда;

нусха: 1 (бир нусха).

9) юридик шахс – тадбиркорлик субъектининг жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганлигини тасдиқловчи тегишли рўйхатга олувчи органнинг хати – тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар учун у қайта ташиқил этилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, сув олиш манбаси ва мақсадлари, шунингдек сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг бошқа шартлари ўзгармаган тақдирда;

асл нусха: 1 (бир нусха).

в) рухсатноманинг амал қилиш муддати узайтирилганда:

10) рухсатномани берган масъул шахснинг хулосаси - мазкур паспортга 31-иловада келтирилган шаклда;

асл нусха: 1 (бир нусха).

11) сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг манбаси, мақсади ҳамда сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг бошқа шартларида ўзгаришлар бўлмаганлигини тасдиқловчи хулоса мазкур паспортга 32, 33 ва 34-иловаларда келтирилган шаклларда – мос равишда: 1) ер қаърини геологик ўрганиши, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш; 2) давлат санитария назорати; 3) курортларни бошқариш органларининг хулосалари;

асл нусха: 1 (бир нусха).

Эслатма: Ваколатли орган зикр этилган ҳужжатларни ушибу Паспортнинг 4-бандида кўрсатилган орган ва идоралардан мустақил равишда, аризачини жалб этмаган ҳолда олади.

7.	Давлат хизматини кўрсатишнинг шакли	<p>Давлат хизматини кўрсатишда АКТни қўлланилиши: <input checked="" type="checkbox"/> давлат хизматини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ахборотни Интернет орқали олиш. Интернет тармоғидаги манзил: http://agro.uz/ru/documents/545/5777/</p> <p>Зарур ҳужжатлар шакллари ва бланкаларини олиш, уларни интерактив тўлдириш, тақдим қилиш ва давлат хизмати кўрсатилганлиги натижаларини интернет тармоғи орқали олишнинг ҳозирча имконияти йўқ.</p>
8.	Давлат хизматининг нархи ва уни тўлаш тартиби	<p>Давлат хизматини кўрсатилганлиги учун: <input type="checkbox"/> тўлов ундирилмайди;</p>
9.	Давлат хизматини кўрсатишнинг муддатлари	<p>Давлат хизматлари кўрсатишнинг белгиланган муддатлари:</p> <p>а) янгидан берилган аризани кўриб чиқишда 20 иш куни;</p> <p>б) сунъий сув объектлари сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга рухсат олиш учун аввал қилинган мурожаатга рад жавобига сабаб бўлган камчиликлар бартараф қилингандан сўнг қайта мурожаат - аризани кўриб чиқишда 10 иш куни;</p> <p>в) сунъий сув объектлари сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга аввал олинган рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтиришда - 15 иш куни.</p> <p>г) сунъий сув объектлари сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга аввал олинган рухсатномани қайта расмийлаштиришда - 5 иш куни.</p> <p><i>Эслатма: ҳозирги вақтда сунъий сув объектлари сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга аввал берилган рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш сўраб берилган аризани кўриб чиқишнинг чегаравий муддатлари қонун ҳужжатларида белгиланмаган. Мазкур паспортнинг 9-банди “в” қисмида кўрсатилган муддат тавсиявийдир.</i></p>
10.	Давлат хизматини кўрсатиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишнинг натижаларига асосан бериладиган ҳужжатлар	<p>Аризани кўриб чиқиш якунлари бўйича аризачига қуйидагилар берилади:</p> <p>а) ижобий ҳал этилганда:</p> <p>1) янги рухсатнома олинган, рухсатномани амал қилиш муддати тугаган, сув олиш манбаи ва мақсадлари, шунингдек сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг бошқа шартлари ўзгарган ҳолларда:</p> <p>1) сунъий сув объектлари сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома мазкур паспортга 2-иловада келтирилган шаклда; <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 1 (бир нусха).</p> <p>2) сунъий сув объектлари сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома ва унга илова мазкур паспортга 3-иловада келтирилган шаклда – <i>фермер ва деҳқон хўжаликлари учун</i>; <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 1 (бир нусха).</p> <p>2) рухсатноманинг амал қилиш муддати узайтирилганда:</p> <p>1) сунъий сув объектлари сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома узайтирилганлиги тўғрисидаги “Амал қилиш муддатигача узайтирилди” ёзув кўринишидаги қайд, рухсатномани амал қилиш муддати узайтирилган сана, узайтириш куни санаси, рухсатномани узайтирган шахснинг Ф.И.Ш., лавозими, имзоси кўрсатилган, у ишловчи ташкилотнинг муҳри босилган қайднома <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 1 (бир нусха).</p> <p>3) рухсатнома қайта расмийлаштирилганда:</p> <p>1) сунъий сув объектлари сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома мазкур паспортга 2, 3-иловаларда келтирилган шаклларда; <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 1 (бир нусха).</p> <p>4) рухсатнома бузилган ёки йўқотилган ҳолда: сунъий сув объектлари сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус</p>

		<p>истеъмол қилиш учун рухсатнома бузилган ва йўқотилган тақдирда унинг дубликати (асли билан тенг ҳуқуқли нусхаси) берилмайди.</p> <p>б) давлат хизматини кўрсатиш рад этилганда: сунъий сув объектлари сувидан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатномани берилмаслиги учун асосланган рад жавоби мазкур паспортга 35-иловада келтирилган шаклда; <input checked="" type="checkbox"/> асл нусха: 1 (бир нусха).</p> <p><i>Эслатма:</i> Ариза қабул қилингандан сўнг, унга жавоб тариқасида аризачига қуйидаги ҳужжатлардан бири берилади: 1) ариза қабул қилинганлиги тўғрисида унинг қайд қилинганлигини билдирувчи рўйхатга олиш рақами кўрсатилган тарздаги тилхат мазкур паспортга 36, 37, 38-иловаларда келтирилган шаклларда; 2) тегишли аризанинг нусхаси мазкур паспортга 1, 21, 22-иловаларда келтирилган шаклларда, ариза қабул қилинганлигини билдирувчи рўйхатга олиш рақами кўрсатилган кўришидаги ёзув билан.</p>			
11.	Давлат хизмати регламенти	Давлат хизмати кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати:			
		Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи	Санаси	Рақами
		1.	Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни	06.05.1993	837-ХП
		2.	Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ ва сув хўжалигида иктисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” Қонуни	25.12.2009	ЎРҚ-240
		3.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори	14.06.2013	171
12.	Аризачининг ваколатли органнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) тўғрисидаги мурожаатларини (таклифлари, шикоятлари) кўриб чиқиш ҳуқуқи берилган юқори турувчи органларнинг номи	Аризачининг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳуқуқи берилган юқори турувчи ёки бошқа орган:			
		Т/р	Номи	Боғланиш телефони	Жойлашган жойи (почта, электрон манзили)
		1.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	(0-371) 241-00-42	Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 4-уй info@qsxv.uz suvchi@qsxv.uz